

**Рахимов Холмурот Абдуллаевич,**

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти "Олий математика" кафедраси катта ўқитувчиси

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

УДК: 378.147

---

## ***РАХИМОВ Х.А. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ***

Ушбу мақолада техник йўналишдаги олий таълим муассасаларидаги электрон таълим муҳити шароитида масофавий ўқитишнинг камчиликлари ва ютуқларини таққослашга қаратилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тажриба сифатида катта ёшли талабалар ўртасида ўтказган сўровнома натижалари берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: респондент, катта ёшли талабалар, масофавий ўқитиш, афзалликлар, камчиликлар, электрон таълим.

---

## ***РАХИМОВ Х.А. ПРЕИМУЩЕСТВА СРЕДЫ ЭЛЕКТРОННОГО ОБУЧЕНИЯ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ***

В статье рассмотрены результаты исследования, направленного на сравнение недостатков и достижений дистанционного обучения в среде электронного обучения в технических ВУЗах. Приводятся результаты проведенного в качестве эксперимента опроса старшеклассников.

Ключевые слова и понятия: респондент, взрослые студенты, дистанционное обучение, преимущества, недостатки, электронное обучение.

---

## ***RAKHIMOV KH.A. THE IMPORTTANCE OF E-LEARNING ENVIRONMENT IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM***

In the article is reviewed the results of a study aimed to comparing the shortcomings and achievements of distance learning in an e-learning environment in technical higher education institutions. It is conducted a survey of older students as an experiment.

Key words and concepts: respondent, adult students, distance learning, advantages, disadvantages, e-learning.

**Кириш.** Бугунги кунда ҳаётимиз барча соҳаларига компьютер ва интернет ахборот тизими кириб келди. Масофадан туриб таълим олиш технологиялари ва воситаларини ўзлаштириш долзарб бўлмоқда. XXI асрга келиб таълим тизимида 3-ренессанс даври бошлангани ҳақидаги маълумотларни тез-тез учратмоқдамиз. Баъзи ташкилот иш берувчилари ўз ходимларининг олий маълумотли бўлишини ёки малакаларини ривожлантиришларини талаб этсаларда, иш вақтларида таълим олишларига рухсат беришни хоҳламайдилар. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг имкониятларидан бири бу бутун дунёда оммалашиб бораётган масофавий ўқитиш шаклидир. Масофадан ўқитиш шакли барча шахсларга таълим олиш имкониятини беради. Бундай тоифадаги талабаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин, масалан, ёш болали аёллар, ҳомиладор аёллар, ёлғиз оналар, ногиронлар, кундузги навбатчиликда ишлайдиганлар ва ҳ.к.

Маълум сабабларга кўра, таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида таҳсил олиш имконияти бўлмаган, масалан, соғлиги тақозо этмайдиган, мутахассислигини ўзгартириш нияти бўлган ёки ёши катта, малакасини ошириш нияти бўлган кишилар учун масофавий ўқитиш қулай ўқитиш шакли ҳисобланади.

Масофавий ўқитишда турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва ўзаро алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеоматериаллар талабаларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимил алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиши талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

**Мавзу бўйича олимлар илмий асарларининг қисқача таҳлили.** Бугунги кунгача “Хорижий давлатларда масофавий ўқитиш бўйича бир қатор муассаса олимлари томонидан изланишлар олиб борилган ва масофавий ўқитиш ҳақида турлича фикрларни билдиришган.

Американинг масофавий ўқитиш ассоциацияси мутахассислари (The United States Distance Learning Association — USDLA) масофавий ўқитиш деганда — таълим олувчи ва тьюторнинг турли географик маконда бўлганлари ҳолда, ўқув жараёнини ташкил этиш учун электрон воситалар ва нашр қилинган қўлланмалардан фойдаланиб ўқитишни тушунишган<sup>1</sup>.

Масофавий ўқитиш соҳаси бўйича хорижлик мутахассислардан бири “distance education” атамасини тушунтириш борасида масофавий ўқитиш жараёнининг икки асосий белгисини кўрсатади: таълим беришнинг нашр шаклида ва видео ёки аудиоёзма усулда бўлишини, шу билан бирга, коммуникациянинг ташкил этилиши масофадан туриб турли хил замонавий техника воситалари билан алоқа қилиш эканини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистондан А.А.Абдуқадиров, А.Х.Пардаев, А.Парпийев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимқулов, М.Бекмуродов, Н.Тайлоқов, МДХ давлатлари олимлари ва етакчи мутахассислари А.А.Андреев, Й.С.Полат, А.М.Бершадский, В.М.Монахов, В.А.Сластенин, В.П.Тихомиров, И.К.Шалаев, А.В.Хуторский, М.В.Моисеева каби мутахассислар томонидан масофавий ўқитиш тушунчаси ва у билан боғлиқ бошқа атамалар кенг таҳлил қилинган.

Й.С.Полат масофавий ўқитишни тьютор ва таълим олувчиларнинг бир-бирлари билан ўзаро фаолиятлари масофавий амалга ошириладиган ва интернет-технологиялар ёки бошқа интерфаол технологияларга хос махсус воситалар орқали амалга ошириладиган ўқув жараёнига хос бўлган барча компонентларни (мақсадлар, мазмун, методлар, ташкилий шакллар, таълим воситалари)ни акс эттирадиган мустақил таълим шакли сифатида таъкидлайди.

А.А.Андреев турли таърифларни таҳлил қилиб, “масофавий ўқитиш таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро ва таълим воситалари билан биргаликдаги фаолияти уларнинг макон ва замонда жойлашишларига инвариант бўлган ўзига хос махсус дидактик тизимда амалга ошириладиган интерфаол фаолиятларининг мақсадга

<sup>1</sup> Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. – Тошкент: “Lesson press”, 2020, 112 б.

<sup>2</sup> A.Parpiyev, A.Maraximov, R.Hamdammov, U.Begimkulov, M.Bekmuradov, N.Tayloqov. Elektron universitet. Masofaviy ta'lim texnologiyalari O'zME davlat ilmiy nashriyoti. - T.: 2008, 196 b.

йўналтирилган, ташкил қилинган жараёни, деган хулосага келади”<sup>1</sup>.

**Мақоланинг илмий моҳияти.** Ўқиш самарадорлиги деганда, ишлаб чиқилган методология орқали талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўсиши учун энг яхши кўрсаткичларни бериш қобилияти тушунилиши керак. Умумий ҳолда, ўқувчиларни ўқитиш самарадорлиги, шу жумладан ишлаб чиқилган методологияга кўра, пастдан юқори даражагача ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам самарали таълим мезонларини белгиланиши керак. Қуйида, техник олий таълим муассасаси талабалар ўзлаштирилаётган фанни электрон таълим муҳитида (ЭТМ) ўрганиш натижасида тўпланган билимларини тавсифловчи ёки маълум бир компетенцияга мос келадиган ўқув материални самарали ишлаб чиқиш технологияси тақдим қилинади.

Таълим жараёнининг самарадорлиги. Агар бугунги кунда компьютер техникаси ва дастурий таъминотининг асосларини замонавий ахборот маконида ишлаш воситаси сифатида биладиган ва ўқитувчига матн муҳаррирлари, электрон жадваллар, электрон почта ва браузерлар, мултимедиа билан ишлаш учун зарур бўлган билимларни ўз ичига олган умумий фойдаланувчи ЭТМ ваколатлари мавжуд бўлса, аксарият ўқитувчилар учун ускуналар аллақачон етарли даражада, шунинг учун ЭТМнинг ривожланиши педагоглардан кўп нарсаларни кутмоқда. ЭТМнинг компетенцияси ўқитувчи учун, хусусан, электрон таълим ва масофадан ўқитиш технологияларини жорий этиш учун зарурдир. Масофавий таълимнинг жорий этилиши талабаларнинг мустақил ишларининг улушини оширишга ва маълумотларни қидириш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш қобилиятини фаоллаштириш, ривожлантиришга имкон беради.

Масофавий таълим ҳафтада 7 кун, 24 соат ишлайдиган онлайн муҳитда амалга оширилади<sup>2</sup>. Унда ўқиш учун дидактик материаллар мавжуд: масофавий ўқитиш ҳам матнда, ҳам аудиовизуал шаклларда, масофавий ўқиш учун махсус ёзилган дарсликлар, мунозарали форумлар ва суҳбатлар шаклида ташкиллаштирилади. Онлайн

муҳитда талабалар ўқитувчидан доимий равишда топшириқлар оладилар, улар онлайн муҳитга киришади ва ўқитувчидан фикр-мулоҳазалар олишади. Онлайн муҳитда талабалар семинар машғулотларига оид топшириқни олишади, улар топшириқларни бажариб яна қайтиб кириб жавобларни юборади, бу топшириқлар маърузачи томонидан баҳоланади. Онлайн муҳит таклиф қиладиган яна бир вариант - тест ва тестларни яратиш ва онлайн муҳитда билимларни синаш орқали амалга оширилади. Ўқитувчи талабанинг ҳозирги билимини якуний курсда ҳисобга олинадиган ёки олмаслиги мумкин бўлган тестлар орқали текшириши мумкин. Талабалар ўқитувчилари ёки бир-бирлари билан онлайн муҳитда ҳам боғланишлари мумкин.

Масофавий таълим жараёнида фанларни тестлар ёрдамида ўқитишда компьютерда тест тузувчи дастурларидан фойдаланамиз. Тест усуллари-нинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, турли фанларнинг ўқитувчиларига ўзларининг маълумотлар базаларини яратиш ва ўз фанлари бўйича назорат топшириқларини тезда олишларига имкон берадиган универсал дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай дастурлар интернет тармоқларида бир нечта дастурлари ҳам мавжуд.

Тестларнинг асосий қисми биринчи ва иккинчи даражали саволлардан иборат бўлиши керак. Айнан шу даражаларнинг вазифалари талабаларнинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган мажбурий талабларга жавоб беради.

Ушбу турлар талабаларда муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилишнинг энг яхши усуллари-ни топиш қобилиятини ривожлантиради. Шунинг билан таъкидлаш керакки, ҳар хил турдаги тест топшириқларини бажариш таққослаш, таҳлил қилиш, синтез, функция, ўхшашлик, хулосалар ва бошқалар каби ақлий операцияларни талаб қиладди. Шундай қилиб, билимларни тизимли текшириш ўқув материални мустаҳкам ўзлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, ўрганишга онгли муносабатни тарбиялайди, аниқлик, меҳнатсеварлик, фидойиликни шакллантиради, диққатни фаоллаштиради, таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради. Юқорида санаб ўтилган бошқа афзалликлар билан бир қаторда ушбу услуб ўқув ишларида ранг-барангликни келтириб чиқаради, мавзуга қизиқишни оширади. Топшириқлар учун вариантлар ҳар бир талаба учун индивидуалдир. Бундай тестларнинг мазмуни турли хил ақлий фаолият даража-  
**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2021, 2 (99)**

<sup>1</sup> Abdukadirov A.A. Masofali o'qitish nazariyasi va amaliyoti. monografiya / A.A. Abdukadirov, A.X. Pardayev; red. M. Sodikova. - T. Uzbekiston respublikasi fanlar Akademiyasi « FAN, 2009. - 145 b.

<sup>2</sup> Rakhimov K.A. The Importance of Distance Education for Adult Students in Uzbekistan. International Journal of Trend in Scientific Research and Development <https://www.ijtsrd.com/2020>

жаларига мўлжалланган, топшириқларга жавоблар уларнинг фарқланишини таклиф қилади, бу психологик жиҳатдан беқарор талабалар учун жуда муҳимдир. Умумий топшириғини бажарган ҳолда, суст ўзлаштирувчи талабалар ўз даражасида жавоб беришади, билимларни ўрта даражада қайта тиклаш, ўз билимларини кучлироқ қилиш, нисбатан янги шароитларга ўтказишга ёрдам беради.

**Мақсад ва вазифалар.** Техника олий таълим муассасаси талабаларининг математика фанини масофадан ўрганиш натижасида маълум бир компетенцияга мос келадиган ўқув материални ўзлаштиришнинг самарали методи ишлаб чиқиш белгиланди.

Тадқиқот ишида замонавий постиндустриал жамиятнинг муаммолари сабабли муҳандислар учун янги математик таълим дастурларини яратиш бўйича стратегик кўрсатмалар кўриб чиқилган. Мақолада муҳандислик соҳасининг барча йўналишларида, шунингдек қурилишда, кон ишлар ва қидирув разведкаси муаммоларни ҳал қилиш учун электрон таълим воситалари билан таниш бўлган юқори, ўрта ва қуйи муҳандисларни шакллантиришга компетенцияли ёндашув концепцияси доирасида электрон таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда профессионал йўналтирилган ўқитиш усуллари кўриб чиқилди. Масофавий ўқитишнинг талабаларга афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиш учун биз 2020 йилнинг октябрь ойи давомида тадқиқот ўтказдик.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг масофавий таълимдан субъектив қониқишини аниқлаш эди. Биз уларнинг масофавий шаклда ўқиш мотивациясини топишга ва респондентларнинг ўзлари сезган ҳолда масофавий ўқитиш шаклининг ижобий ва салбий томонларини аниқлашга эътибор қаратдик.

Тадқиқотдан мақсад қуйидаги саволларга жавоб топиш эди:

- Нима учун масофавий таълим керак?
- Талабалар ўқишнинг масофавий шаклни танлашларига нима сабаб бўлади?
- Ҳозирги вақтда талабаларнинг қанча қисми компьютер технологиялари, замонавий АКТдан ва интернет хизматларидан қай даражада фойдалана олишларини билиш?
- Талабалар масофадан ўқитишнинг қандай ижобий ва салбий томонларини кўришади?
- Тадқиқотнинг сифатли бўлиши, мақсадга боғлиқ, шунинг учун бизнинг мақсадимиз талаба-

ларни тушуниш, уларнинг фикрларини эшитиш ва жамлаш эди. Ҳодисани қатнашчиларнинг ўзлари томонидан изоҳлашга катта аҳамият берилди.

Тадқиқот доирасида жами 50 та иш текширилди. Респондентларнинг (Респондент-ижтимоий сўровда қатнашувчи шахс; ёки анкета саволларига жавоб берувчи киши) барчаси вояга етган, ёшлар гуруҳига мансуб, уларнинг ёши 20 ёшдан 30 ёшгача. 42 нафари соғлигида ва турмуш тарзида муаммоси йўқ доимий анъанавий таълимга қатнашадиган респондентлар, 4 нафар респондент оилали ва ҳомиладор аёллар, 1 нафари ёш болали респондент, 3 нафар ногиронлиги бор респондентлар эди. Барча респондентлар анъанавий ўқиш шаклида ўқиганлар, шу сабабли улар иккала ўқув шаклини ҳам солиштиришлари мумкин.

Маълумотларни йиғишнинг асосий усули қисқа тест саволлар шаклида бўлиб ўтди ва талабалар ўтказилган сўровномада қатнашдилар. Маълумотларни йиғишда ва такомиллаштиришда биз баъзи ҳолларда электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда онлайн суҳбатлардан ҳам фойдаланганмиз. Барча маълумотлар сақлаб қўйилди, архивланган ҳолда компьютерда ҳам сақланмоқда. Бу сўровнома доимий равишда таҳлил қилиниб ўтказилиб борилади.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** техника олий таълим муассасалари «Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси» йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг масофадан туриб ўқиши ва шу талабаларни масофадан туриб ўқитиш бўйича математика фанида қўллаш истиқболлари, шунингдек математика ўқитувчиларининг АКТ компетенциясига қўйиладиган талаблари, таълим ташкилотининг ахборот-таълим муҳитида муҳокама қилинади. Ўқитувчининг АКТ компетенциясига қўйиладиган талаблар ўқитувчининг касбий стандартида шаклланган ва таълим ташкилотининг таълим ахборот муҳитининг улкан салоҳияти, янги таълим муҳити имкониятларини яхшилаш учун фойдаланишга қодир ва фойдаланишга тайёрлигини билиш мақсадида амалга оширилади. Тадқиқот натижаларини жамлашда бир-бирига яқин фикрлар ажратиб умумлаштирилди.

**Тадқиқот натижалари:** Респондентларнинг баъзилари фарзандлари бўлганлиги, оилали ёки ишлашларини ҳисобга олиб, улар оилавий ва иш муаммоларини, ўқиш билан боғлиқ муаммолар билан бирга ҳал қилишади. Респондент-

**1-жадвал. Респондентларнинг анъанавий таълимдаги ўзлаштириш кўрсаткичлари**

	Ананавий таълимга келиб турадиган талабалар	Оилали ва ҳомиладор аёллар	Ёш болали	Ногиронлиги бор респондентлар
Жами	42	4	1	3
"5"	4	-	-	-
"4"	8	-	-	-
"3"	26	2	-	3
Қайта ўзлаштириш орқали (1-қайтномада ўзлаштира олмаган)	4	2	1	-

**2-жадвал. Респондентларнинг онлайн электрон таълим муҳитидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари**

	Ананавий таълимга келиб турадиган талабалар	Оилали ва ҳомиладор аёллар	Ёш болали	Ногиронлиги бор респондентлар
Жами	42	4	1	3
"5"	6	-	-	2
"4"	6	2	1	1
"3"	24	2	-	-
Қайта ўзлаштириш орқали (1-қайтномада ўзлаштира олмаган)	6	-	-	-

лар масофавий ўқитиш туфайли ушбу вазифаларни ўз вақтида бажара олишларига қодир эканликларини билишади. Барча респондентлар масофавий ўқитиш шакли давомида ота-она ва меҳнат мажбуриятларини ўқиш билан бирга боғлиқ мажбуриятларни (фанни ўзлаштириш, вазифа ва топшириқларни) бажаришга яхшироқ шароитларга эга эканлигини, чунки улар ўқиш вақтини режалаштиришлари ва таълим муассасасига камдан-кам ҳолларда борганлиги сабабли, ўз вақтларини тежашларини маълум қилишган. Респондентлар масофавий ўқитишнинг ушбу ижобий томонларини яхшироқ билишади, чунки улар бир вақтда ўқиш пайтида оилавий, иш ва ўқув вазифаларини ҳам бажариш зарурлигини ҳис қиладилар, буларнинг барчаси ўқув дастурларини ўз вақтида ўқиш пайтида ўзлаштирган. Биз сўровномада қатнашган талабаларимизнинг 2019/2020- ўқув йилининг кузги семестридаги анъанавий таълимдаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва онлайн электрон таълим муҳитида ўқиган 2019/2020- ўқув йилининг баҳорги семестридаги ўзлаштириш кўрсаткичлари олиниб таҳлил қилинди.

Ушбу кўрсаткичларни диаграмма шаклида (1-расм) ҳам тасвирладик, сабаби анъанавий таълим ва онлайн электрон таълим муҳити қайси турдаги респондентлар учун ижобий бўлганлигини кўриш мумкин.

Электрон таълим муҳитида масофадан ўқишни ташкил қилиш бугунги кун учун долзарб эканини кўриш мумкин. 2020 йилнинг 12 ноябрь куни Тош-

кент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистон ислохотлари инсон манфаатлари устунлигини таъминлаш баробарида жамиятда хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини устувор қадриятлардан бири сифатида ҳимоя қилишга қаратилган. Бунда, айниқса, аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида рўёбга чиқарилмоқда<sup>1</sup>. Бизнинг тадқиқотимиздан мақсад ҳам оилали ва ёш болали хотин-қизларнинг таълим олишларига имконият яратишдан иборат. Виртуал аудитория маъруза учун муносиб ўринбосар бўлади, чунки ушбу интерактив веб-восита бир-бирлари билан мулоқот қила оладиган ва маърузачи тингловчиларнинг интерактив маълумотлари билан маъруза ўқиши мумкин бўлган кишилар учун масофадан туриб учрашув ташкил этиш имкониятини беради<sup>2</sup>.


**Хулоса.** Ушбу тадқиқот натижаларига кўра биз қуйидаги хулосага келдик, мақолада тех-

<sup>1</sup> Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашда қандай ўзгаришлар рўй бермоқда? - «Халқ сўзи». 12.11.2020 йил.

<sup>2</sup> Raximov X.A. Masofaviy ta'limning jamiyatda tutgan o'рни. Markaziy Osiyo ijtimoiy tadqiqotlar jurnali. 2020, 1(2).



1-расм. Турли респондентларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари



ника йўналишдаги олий таълим муассасаларида электрон таълим муҳитини такомиллаштириш орқали масофавий ўқитишни шакллантириш зарурати мавжуд деган хулосага келиш мумкин. Ўзбекистонда ҳам масофавий таълим шакли зарур экан. Бу айниқса катта ёшли, оилали, ҳомиладор ва ногиронлиги бор талабаларнинг таҳсил олишлари учун зарур. Бу таълим шаклига бўлган талаб

ўрганиб чиқилиб, янги 23.09.2020 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисидаги" қонуннинг янги таҳририда масофавий таълим шаклига рухсат берилди<sup>1</sup>.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни берамиз:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. ЎРҚ-637-сон 23.09.2020 й.

– Ўзбекистон Республикасида ҳам электрон таълим муҳитини такомиллаштириш орқали масофавий таълим олишга кенг йўл очиб бериш;

– техника олий таълим муассасаларида фанларни ўқитишда электрон таълим воситаларидан самарали ва кўпроқ фойдаланишлари;

– техника олий таълим муассасалари талабаларига мустақил таълим мавзуларини ўзлаштиришларида замонавий электрон ўқув воситаларидан бевосита фойдаланишларига урғу бериш;

– олий таълим муассасалари педагог ходимларига таълим жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологияларини ва замонавий электрон дастурий ресурсларни қўллаш масалаларига эътибор қаратиш лозим.

Зеро, юртбошимиз Президент Шавкат Мирзиёев биринчи марта ўтказилаётган Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида «Биз юрти-

мизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шижоатингизга суянамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли айни ушбу соҳаларда туб ислохотларни амалга оширмоқдамиз. Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар»<sup>1</sup> деган эдилар. Демак, биз ҳам тайёрлаётган кадрлар ҳам замон талабларига жавоб бера оладиган ахборот-коммуникацияларидан фойдаланишни билишларига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-637-сон 23.09.2020 й.
2. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. – Тошкент: “Lesson press”, 2020, 112 б.
3. Parpiyev A., Maraximov A., Hamdamov R., Begimkulov U., Bekmuradov M., Tayloqov N.. Elektron universitet. Masofaviy ta’lim texnologiyalari O’zME davlat ilmiy nashriyoti. - T.: 2008, 196 b.
4. Abduqadirov A. A. Masofali o’qitish nazariyasi va amaliyoti. monografiya / A. A. Abdukadirov, A. X. Pardayev; red. M. Sodikova. - T.: Uzbekiston respublikasi fanlar Akademiyasi « FAN, 2009. - 145 b.
5. Abduqodirov A.A., Pardayev A.X. Masofali o’qitish nazariyasi va amaliyoti. – T.: Fan, 2009.145 b.
6. Rakhimov K.A. The Importance of Distance Education for Adult Students in Uzbekistan. International Journal of Trend in Scientific Research and Development <https://www.ijtsrd.com/2020>.
7. Raximov X.A. Masofaviy ta’limning jamiyatda tutgan o’rni. Markaziy Osiyo ijtimoiy tadqiqotlar jurnali. 2020, 1(2).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи марта ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи. - <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/25/forum/>